



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 3 » aprel

№ 174

Toshkent sh.

### **Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини, шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасини ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги** низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда 2021 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин:

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида **сув ресурсларининг ҳисобини юритишнинг шаффоф тизими;**

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида **сув ресурсларининг ҳисоботини юритишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;**

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида **сув ресурслари соҳасида мониторингни юритиш тартиби.**

2. Белгилаб қўйилсинки, сувдан барча махсус фойдаланувчилар ва махсус сув истеъмолчилари (коммунал сув таъминоти тизимидан сув олувчи сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларидан ташқари) сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги ҳисоботларни **2021 йил 1 октябрдан бошлаб электрон шаклда** юритади.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

**2021 йил 1 июлга** қадар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги ҳисоботларни электрон шаклда юритишни таъминловчи дастурий таъминот яратсин;

**2021 йил 1 сентябрга** қадар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги ҳисоботларни электрон шаклда юритиш бўйича дастурий

таъминотдан фойдаланиш тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан ушбу дастурдан фойдаланиш бўйича қисқа муддатли ўқувларни ташкил қилсин;

б) сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги ҳисоботларни электрон шаклда юритиш бўйича дастурий таъминотни Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг тасдиқланган харажатлар сметасида режалаштирилган маблағлар ёки чет эл (халқаро) грант ҳисобидан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чорасини кўрсин;

в) Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича 2021 йилда жадвал бўйича жойларда кўргазмали амалий семинарларни ташкил қилсин;

г) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин;

жойларда мақсадли ўрганишларни амалга ошириб, қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3-апрелдаги 174-сон қарорига  
1-илова

**Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини  
юретиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юретиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари коммунал сув таъминоти тизимидан сув олувчи сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида  
сув ресурсларининг ҳисоби ҳамда мониторингини юретиш**

3. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларида юритилади.

4. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари белгиланган тартибда сувни бошқариш (дарвоза ёки сувни очиш ва ёпишни таъминловчи бошқа қурилма) ва ҳисобга олиш (гидропост, “онлайн” режимда ишлайдиган рақамли қурилма) воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

5. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари “онлайн” режимда ишлайдиган рақамли қурилмалар билан босқичма-босқич жиҳозланади ва маълумотларни узатиш бўйича дастурий таъминот билан таъминланади.

6. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги учун сувни истеъмол қилишга олинadиган сувни ҳисобга олиш уларнинг тегишли сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлангунга қадар, ҳажмий, ҳисобий ва бошқа усулларда, ҳақиқий суғориладиган майдонларни, суғоришлар сонини, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режимини, сув олиш давомийлиги ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

7. Сув истеъмолчилари сув олиш учун 10 кун олдин унга хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот (сувдан фойдаланувчилар уюшмаси)га ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ ёзма буюртманомани тақдим қилади.

8. Сув истеъмолчилари уюшмаси икки кун муддатда ўз хизмат кўрсатиш худудидаги барча сув истеъмолчиларининг ёзма буюртманомаларини

умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомга 1а-иловага мувофиқ туман аҳамиятидаги сув хўжалиги объектларидан сув олиш учун ёзма буюртманомани хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – туман (шаҳар) ирригация бўлимига юборади (низомга 2-илова).

9. Туман (шаҳар) ирригация бўлими бир кун муддатда тумандаги барча сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек, айрим бошқа сув истеъмолчилар буюртманомаларини умумлаштиради, таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомга 1б-иловага мувофиқ ёзма буюртманомани туманлараро аҳамиятдаги сув хўжалиги объектларидан сув олиш учун тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига юборади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бир кун муддатда буюртманомаларни умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомга 1в-иловага мувофиқ вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган дарёлар, магистрал каналлар (тизимлар), йирик ва алоҳида муҳим сув объектлардан сув олиш учун ёзма буюртманомани Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги бир кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, шунингдек, тегишли хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотларга ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома беради ёки рад этади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бир кун муддатда туман (шаҳар) ирригация бўлимлари ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (ирригация тизими бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, сув омборлари бошқармалари)га ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома беради ёки рад этади.

13. Туман (шаҳар) ирригация бўлимлари ўз навбатида бир кун муддатда сув истеъмолчилари уюшмаларига, сув истеъмолчилари уюшмалари эса сув истеъмолчиларига ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома беради ёки рад этади (низомга 2-илова).

Сув етказиб бериш сув истеъмолчисининг сув истеъмолига тайёрлигини эътиборга олган ҳолда сув истеъмоли режасига асосан ажратилган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

14. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш учун хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот (сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари ёки сув

истеъмолчилари уюшмаси) билан сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси ўртасида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда сувнинг кундалик ҳисоб журнали юритилади.

Ушбу журналнинг ҳар бир варағи тикилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Журнал ҳар бир сув олиш жойи бўйича икки (шартнома уч томонлама тузилган тақдирда уч) томонлама олиб борилиб, биттаси хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотнинг ваколатли шахсида, иккинчиси сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчисида (унинг ваколатли шахсида) сақланади.

Сувнинг кундалик ҳисобини юритувчи ваколатли шахслар хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот, сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчисининг алоҳида буйруқлари билан тайинланади.

15. Агар сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчисининг сувни ҳисобга олиш жойи рақамли қурилма билан жиҳозланган бўлса, сувнинг ҳисоби хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилоти билан “онлайн” режимда амалга оширилади.

16. Сув истеъмолчилари (томорқа ер эгаларидан ташқари) ҳар куни соат 17:00 гача олинган сув миқдори ва нима мақсадда ишлатгани тўғрисидаги кунлик маълумотни ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ тайёрлайди ҳамда ёзма ёки электрон алоқа воситаси орқали хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – сув истеъмолчилари уюшмаларига юборади (низомга 2-илова).

17. Сув истеъмолчилари уюшмалари сув истеъмолчилари томонидан берилган кунлик маълумотлар асосида ҳар куни соат 18:00 гача олинган сувдан фойдаланиш бўйича кунлик маълумотни ушбу Низомга 4а-иловага мувофиқ тайёрлайди ва дастурий таъминотга киритади.

Агар кунлик маълумотни дастурий таъминотга киритишнинг имкони бўлмаса, уни хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – туман (шаҳар) ирригация бўлимига ёзма ёки электрон алоқа воситаси орқали етказиши мумкин.

18. Туман (шаҳар) ирригация бўлими сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланиш бўйича кунлик маълумотларини дастурий таъминотга ўз вақтида ва тўғри киритилишини назорат қилиб боради.

19. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар дастурий таъминотнинг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлайди.

### **3-боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоботини юритиш тартиби**

20. Ҳар ой якуни билан олинган сув миқдори юзасидан хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот билан сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси ўртасида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ юритилган кундалик сувнинг ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинади.

Таҳлил натижалари асосида ҳар ойнинг якуни билан кейинги ойнинг 5-санасигача белгиланган тартибда хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот билан сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси ўртасида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади.

21. Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот билан сувдан фойдаланувчилар ўртасида расмийлаштирилган икки томонлама далолатномалар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ва тегишли вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига тақдим этилади (низомга 2-илова).

Сув истеъмолчилари уюшмалари солиқ базасини аниқлаш учун:

қишлоқ хўжалиги, шу жумладан балиқчилик бўйича сувни истеъмол қилувчи юридик шахслар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштирилган далолатномалар асосида – ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай сув ресурсларини истеъмол қилувчи юридик шахсларга;

деҳқон хўжаликлари томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни – ҳисобот даври учун кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай тегишли солиқ органига тақдим қилади (низомга 2-илова).

Қолган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар сувни истеъмол қилувчи юридик шахслар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштирилган далолатномалар асосида – ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай сув ресурсларини истеъмол қилувчи юридик шахсларга тақдим қилади.

22. Вегетация даври якуни билан 15 октябргача ва куз-қиш даври якуни билан 15 апрелгача хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – туман (шаҳар) ирригация бўлими белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва тегишли вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига электрон кўринишда ҳисобот тақдим этади.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан вегетация даври якуни билан 1 ноябргача ва куз-қиш даври якуни билан 1 майгача белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига электрон шаклда ҳисобот тақдим қилинади (низомга 2-илова).

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

24. Ушбу Низомга асосан сув ресурслари тўғрисида юритилган кунлик маълумотлар, ҳисоб ва ҳисоботлар йиллик идоравий статистик ҳисобот тайёрлаш ва Давлат сув кадастрини ишлаб чиқишда, шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасини ҳисоблашда асос қилиб олинади.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

\_\_\_\_\_ сув истеъмолчилари уюшмасига

\_\_\_\_\_нинг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ ўн кунлигида сув олиш бўйича  
(фермер хўжалиги, кластер ташкилоти номи)

**БУЮРТМАНОМАСИ**

Сув манбаи номи	Сув олиш жойининг манзили	Сувни истеъмол қилиш мақсади (суғориш, шўр ювиш, нам суви бериш, балиқчилик, бошқалар)	Ўзги (кузги-қишки) суғориш мавсумида (млн куб м)			Навбатдаги ўн кунлик учун талаб	
			сув олиш лимити	амалда олинган сув	%	млн куб м	куб м/с
<b>ЖАМИ</b>							

\_\_\_\_\_ фермер хўжалиги, кластер ташкилоти раҳбари (ёки ваколатли шахси)

ИМЗО

Ф.И.О.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1а-илова

\_\_\_\_\_ туман ирригация бўлимига  
(туман номи)

\_\_\_\_\_ сув истеъмолчилари уюшмасининг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ ўн кунлигида сув олиш бўйича  
**БУЮРТМАНОМАСИ**

Сув манбаи номи	Сув олиш жойининг манзили	Сувдан фойдаланиш мақсади (суғориш, шўр ювиш, нам суви бериш, балиқчилик, бошқалар)	Ёзги (кузги-қишки) мавсумда, (млн куб м)			Навбатдаги ўн кунлик учун талаб	
			сув олиш лимити	амалда олинган сув	%	млн куб м	куб м/с
<b>ЖАМИ</b>							

\_\_\_\_\_ сув истеъмолчилари уюшмаси ижрочи директори (ёки ваколатли шахси)

ИМЗО

Ф.И.О.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
16-илова

\_\_\_\_\_ ирригация тизимлари  
хавза бошқармасига

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ирригация бўлимининг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойининг  
\_\_\_\_\_ ўн кунлигида сув олиш бўйича  
**БУЮРТМАНОМАСИ**

Сув манбаи номи	Сув олиш жойининг манзили	Сувдан фойдаланиш мақсади (суғориш, шўр ювиш, нам суви бериш, балиқчилик, бошқалар)	Ёзги (кузги-қишки) мавсумда, млн куб м			Навбатдаги ўн кунлик учун талаб	
			сув олиш лимити	амалда олинган сув	%	млн куб м	куб м/с
<b>ЖАМИ</b>							

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ирригация бўлими раҳбари

ИМЗО

Ф.И.О.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1в-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Сув хўжалиги вазирлигига

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги / \_\_\_\_\_ ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ ўн кунлигида сув олиш бўйича  
**БУЮРТМАНОМАСИ**

Сув манбаи номи	Сув олиш жойининг манзили	Сувдан фойдаланиш мақсади (суғориш, шўр ювиш, нам суви бериш, балиқчилик, бошқалар)	Ёзги (кузги-қишки) мавсумда, млн куб м			Навбатдаги ўн кунлик учун талаб	
			сув олиш лимити	амалда олинган сув	%	млн куб м	куб м/с
<b>ЖАМИ</b>							

Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири/  
\_\_\_\_\_ ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи

ИМЗО

Ф.И.О.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Сув истеъмолчилари	Сув олиш учун хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – сув истеъмолчилари уюшмаларига ёзма буюртманома бериш.	Сув олишдан 10 кун олдин
2-босқич	Сув истеъмолчилари уюшмалари	1. Хизмат кўрсатадиган ҳудудаги барча сув истеъмолчиларининг ёзма буюртманомаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш. 2. Сув олиш учун ёзма буюртманомани хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – туман (шаҳар) ирригация бўлимига юбориш.	Икки кун муддатда
3-босқич	Туман (шаҳар) ирригация бўлими	Сув олиш учун буюртманомаларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва ёзма буюртманомани тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига тақдим қилиш.	Бир кун муддатда
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	Сув олиш учун буюртманомаларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва ёзма буюртманомани Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилиш.	Бир кун муддатда
5-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги	Ажратилган сув олиш лимитлари ва сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, шунингдек, тегишли хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув омборлари бошқармалари, магистрал канал (тизим) бошқармалари, алоҳида аҳамиятга эга сув хўжалиги ташкилотлари)га ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома бериш ёки рад этиш.	Бир кун муддатда
6-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	Туман (шаҳар) ирригация бўлимлари ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (ирригация тизими бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, сув омборлари бошқармалари)га ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома бериш ёки рад этиш.	Бир кун муддатда

7-босқич	Туман (шаҳар) ирригация бўлими, сув истеъмолчилари уюшмалари	Сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек, сув истеъмолчиларига ажратилган сув олиш лимити ҳамда сув манбаининг сувлилик даражасидан келиб чиқиб сув олиш юзасидан хабарнома орқали рухсатнома бериш ёки рад этиш.	Бир кун муддатда
8-босқич	Сув истеъмолчиси	Олинган сув миқдори ва нима мақсадда ишлатгани тўғрисидаги кунлик маълумотни ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ тайёрлаш ҳамда ёзма ёки электрон алоқа воситаси орқали хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот – сув истеъмолчилари уюшмасига юбориш.	Ҳар кун соат 17:00 гача
9-босқич	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси	Сув истеъмолчилари томонидан берилган кунлик маълумотлар асосида олинган сувдан фойдаланиш бўйича маълумотни ушбу Низомга 3а-иловага мувофиқ тайёрлаш ва дастурий таъминотга киритиш.	Ҳар куни соат 18:00 гача
10-босқич	Туман (шаҳар) ирригация бўлими	Сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланиш бўйича кунлик маълумотларини дастурий таъминотга ўз вақтида ва тўғри киритилишини назорат қилиб бориш.	Ҳар куни
11-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар	Дастурий таъминотнинг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш.	Доимий
12-босқич	Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот, сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси	1. Олинган сув миқдори юзасидан хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот билан сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси ўртасида юритилган кундалик сувнинг ҳисоби тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш. 2. Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот билан сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси ўртасида икки томонлама далолатнома расмийлаштириш. 3. Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот билан сувдан фойдаланувчи ўртасида расмийлаштирилган далолатномани тегишлича Қорақалпоғистон	Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5-санасигача

		Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига тақдим этиш.	
13-босқич	Сув истеъмолчилари уюшмаси	Солиқ базасини аниқлаш учун: қишлоқ хўжалиги, шу жумладан балиқчилик бўйича сувни истеъмол қилувчи юридик шахслар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштирилган далолатномалар асосида – ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай сув ресурсларини истеъмол қилувчи юридик шахсларга; деҳқон хўжаликлари томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни – ҳисобот даври учун кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай тегишли солиқ органига тақдим қилади (низомга 2-илова).	10 декабрдан кечиктирмай  20 январидан кечиктирмай
14-босқич	Туман (шаҳар) ирригация бўлими	Вегетация ва куз-қиш даври якуни билан–белгиланган тартибда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига электрон кўринишда ҳисобот тақдим этиш.	Вегетация даври якуни билан 15 октябргача ва куз-қиш даври якуни билан 15 апрелгача
15-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	Вегетация даври ва куз-қиш даври якунлари билан белгиланган тартибда Сув хўжалиги вазирлигига электрон шаклда ҳисобот тақдим қилиш.	1 ноябргача 1 майгача

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-илова

*Наъмуна*

---

(хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот номи)

**ҳамда**

---

(сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси номи)

**ўртасида сувнинг кундалик ҳисоб**

**ЖУРНАЛИ**

**Сув манбаи номи** \_\_\_\_\_  
(ирригация тизими канали, суғориш тармоғи, суғориш кудуғи, бошқалар)

**Сув олиш жойининг манзили** \_\_\_\_\_  
(пикет, суғориш кудуғи рақами)

**Ушбу сув олиш жойи** \_\_\_\_\_ ирригация тизимлари ҳавза  
бошқармаси томонидан 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ - сон билан рўйхатга олинган

\_\_\_\_\_  
(имзо, сана, муҳр)

**Ушбу журнал** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг  
\_\_\_\_\_ вилоят бошқармаси (туман бўлими) томонидан  
20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ - сон билан рўйхатга олинган.

\_\_\_\_\_  
(имзо, сана, муҳр)

**Эслатма:**

Ушбу журнал тикилган ҳолда ҳар бир сув бериш жойи бўйича икки (шартнома уч томонлама тузилган тақдирда уч) томонлама олиб борилиб, биттаси хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот вакилида, иккинчиси сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчисининг ваколатли шахсида сақланади.

Сув истеъмолчилари (агрокластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқалар) ва Сув истеъмолчилари уюшмаси ўртасидаги сувни кундалик ҳисоб журнали туман (шаҳар) ирригация бўлимларида рўйхатга олинади.

Сув истеъмолчилари уюшмаси ва туман (шаҳар) ирригация бўлими ўртасидаги, шунингдек, туман (шаҳар) ирригация бўлими ва ирригация тизими (магистрал канал ёки тизим) бошқармаси ўртасидаги сувнинг кундалик ҳисоб журнали тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида рўйхатга олинади.

**Сувнинг кундалик ҳисобини юритувчи ваколатли шахслар**

Томонлар	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Лавозими	Имзо намўнаси
Магистрал канал (тизим)дан фойдаланувчи ташкилот томонидан*			
Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот томонидан			
Сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси томонидан			

**Изоҳ:**

\*) Магистрал канал (тизим)дан сув истеъмолчилари уюшмалари ёки сувдан бошқа фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси тўғридан-тўғри сув оладиган ҳолларда, сувнинг кундалик ҳисоби уч томонлама олиб борилади.

Сувнинг кундалик ҳисоби билан шуғулланувчи ваколатли шахслар хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот ҳамда сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиларининг тегишли буйруқлари билан расмийлаштирилиши лозим.



### Жадвалга киритилган аниқликлар

Т/р	Ўлчов ўтказилган вақт	Н, м	Q, мЗ/с	Аниқ- лик, +,- см	Аниқлик киритган ваколатли шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Нима сабабдан тузатиш киритилди	Имзо
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							
11							
12							
13							
14							
15							
16							
17							
18							
19							
20							
21							
22							
23							
24							
25							
26							
27							
28							
29							
30							
31							

20 \_\_ йилнинг октябрь ойи

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

20 \_\_ йилнинг ноябрь ойи

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

20 \_\_ йилнинг декабрь оyi

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

20 \_\_ йилнинг январь ойи

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўртача сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

20 \_\_ йилнинг февраль оyi

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

**20\_\_ йилнинг март ойи**

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмошчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									
<b>Жами 20__ - 20__ йиллар куз-қиш даврида</b>									

20 \_\_ йилнинг апрель ойи

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрғача сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмошчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

20 \_\_ йилнинг май ойи

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

**20 \_\_ йилнинг июнь ойи**

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

20 \_\_ йилнинг июль ойи

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

**20 \_\_ йилнинг август ойи**

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмолчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									

20 \_\_ йилнинг сентябрь ойи

Кун	Сув очилган вақт	Сув сарфи, м3/с		Сув ёпилган вақт	Ўрта-ча сув сарфи, м3/с	Сув олиш даври, соат	Шу даврда жами олинган сув, минг м3	Имзолар	
		соат 7-8	соат 18-19					таъминотчи	истеъмошчи
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
<b>Жами биринчи ўн кунликда: лимит/амалда</b>									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
<b>Жами иккинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
<b>Жами учинчи ўн кунликда лимит/амалда</b>									
<b>Жами ой давомида лимит/амалда</b>									
<b>Жами 20__ йил вегетация даврида</b>									

Сувнинг кундалик ҳисоб журнали \_\_\_\_ варақдан иборат.

-----  
(имзо, муҳр)





Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг  
ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
5-илова

## Сувни етказиб бериш ва қабул қилиш тўғрисида ДАЛОЛАТНОМА

Сувнинг кундалик ҳисоб журналларига асосан 20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_  
ойида \_\_\_\_\_  
томонидан \_\_\_\_\_ (хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот номи)  
\_\_\_\_\_ га  
(сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси номи)

қуйидаги миқдорда сув етказиб берилди:

Сув миқдори млн м <sup>3</sup>	I ўн кунликда			II ўн кунликда			III ўн кунликда			Жами бир ойда		
	лимит	амалда	фарқи (+/-)	лимит	амалда	фарқи (+/-)	лимит	амалда	фарқи (+/-)	лимит	амалда	фарқи (+/-)
Жами												
шу жумладан:												
суғоришга												
балиқчиликка												
.....												
бошқа эҳтиёжларга												

\_\_\_\_\_  
(хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилот номи)

ИМЗО

Ф.И.О.

\_\_\_\_\_  
(сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси номи)

ИМЗО

Ф.И.О.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3-апрелдаги 174-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув  
истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомда:

**1.** 54-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“54. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Коммунал сув таъминоти тизимидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларини олиш, ҳисобини ва ҳисоботини юритиш тартиби Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланади”;

**2.** 55-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

